




ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 140 (9.178)

1998 йил

27 ноябрь, жума

Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақаларнинг миқдорларини индексациялаш тўғрисида

Нархларнинг эркинлашуви шароитида аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида:

- 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсияларнинг, олий ўқув юртлири талабалари, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлири ўқувчиларининг стипендиялари, ижтимоий нафақалар ўрта ҳисобда 1,2 баравар индексация қилинсин.
- 1999 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида: энг кам иш ҳақи — ойига 1320 сўм; ёшга доир пенсия — ойига 2520 сўм; фуқароларнинг солиқ олинмайдиган да-ромади — ойига 1320 сўм; ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич

(нулнчи) разряд — ойига 1320 сўм; болаликдан ногиронларга нафақа — ойига 2520 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 1530 сўм миқ-дорига белгилансин.

3. Энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган иш ҳақига устама ва қўшимча ҳақларнинг бар-ча турлари, шунингдек пенсиялар, оналарга фарзанди икки ёшга тўлгунча парвариш қилиш учун бериладиган, болали оилаларга берила-диган нафақалар ва бошқа тўловлар 1999 йил 1 январдан бошлаб мазкур Фармонда белги-ланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чи-ққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, ва-

зирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, бюджет-дан молиявий таъминланадиган ташкилот ва муассасалар мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини ўз вақтида қайта ҳи-соблаб қилишни таъминлансинлар.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотла-ри ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, на-фақа ва стипендияларнинг индексация қи-линиши билан боғлиқ харажатлар республи-каннинг давлат бюджети ва Пенсия жам-гармаси ҳисобидан қоплансин.

6. Ҳўжалик ҳисобидаги корхона ва ташки-лотлар меҳнатга ҳақ тўлашининг белгиланган

базавий фонди миқдоридан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобидан 1999 йилнинг 1 январидан бош-лаб иш ҳақи миқдорини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ индексациялашни амалга оши-ринлар.

7. 1998 йил 9 июндаги ПФ-2009-сонли Фармон, 8-бандидан ташқари, ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу Фармоннинг бажарилишини на-зорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 25 ноябрь.

Маҳалла ибораси-ю тушунчаси бизда қачон пайдо бўлганини аниқ ай-тиш қийин ва эҳтимол, шарт ҳам эмасдир. Аммо республикаимизда кўп қаватли уйлар бўлмасдан аввал пайдо бўлгани, ҳар бир оила, қавм, ҳатто шахс ўзи яшаб турган, яъни, туғилиб ўсган муҳити мавзёе, доираси, муай-ян чегарасини аниқ билган ҳолда — шу ерларни ўз маҳалласи деб анги-гани маълум.

Бинобарин, оиласи ҳаётига оид барча йиғинлар, улар қандай муносабат билан бўлмасин, аввало ўз маҳалласи аҳолиси билан бирга ўтказишни бурчи деб билган, шунга қатъий риоя қилишни — бутун ота-боболаримиз ўқтириб келишган: тўй-ҳа-шам, маърака, худойидан тортиб гап-гаш-такларгача ўтказишда қўни-қўшни, маҳал-ла-қўй билан ҳисоблашганлар. Бундай ту-шунчадан маҳрум ўзбек бўлган эмас. Аммо, кейинчалик, Туркистонни чор Россияси бо-сиб олгандан буён ўтган юзлаб йиллар да-вомидида Тошкент ва Тошкент атрофидаги жойлар, жуда кўпга бег-роғларгача бу-зиб ташлаб, ўрнига қават-қават уйлар ку-рилиши ва бу уйларга асосан четдан кел-ганлар жойлашиб олиши туфайли шаҳар-

— жамиятимизда барқарорлиқни таъмин этишга ҳисса бўлиб қўшилди... Яқинда республикаимиздаги маҳалла раҳбарлари аттестациядан ўтказилди, кўпгина жойлар-да оқсоқоллик ва фаолликларга яроқсиз, билими етмайдиган, маданият ва маъри-фатдан узоқ кимсалар ўтиб қолгани каби тасодиқлар аниқланди.

Маҳаллаларда оқсоқоллар ва фаоллар-ни ҳар икки ярим йилда сайлаш тартиби жорий этилгани маълум. Ҳозир ҳаммаёқда сайловлар бошланиб кетди. Шундай бир муҳим тадбирда иштирок этаётганлар ора-сида гоҳо эскидан қолган гуруҳбозлик, та-



да маҳалла деган ибора гарчи йўқолиб кет-ган бўлмаса-да, бир йўлакдан кириб, ён-ма-ён уйларда турадиган кимсалар неча йиллаб бир-бирларини танимай, мутлақо кирди-чикди қилмасдан яшашни одат қи-либ олдилар. Бу ҳолат баъзан учраб тура-ди: айрим кўпқаватли уйдагиларнинг бит-тасидан «Манави ёнингиздаги хоналарда кимлар туради?» деб сўрасангиз, «Бил-майман, танимайман!» деб жавоб беради-ганлар топилади. Маҳалла тушунчасидан маҳрум бу бечоралар ўз ораларида оқибат кўтарилиб кетаётганини тушларида ҳам кўргилари келмайди. Бу аянчли ҳолатлар ту-файли гоҳо ўз уйда қазо қилган ёлғиз одамни бировлар билмай қолган, ниҳоят қулфланган эшикни бузиб ичкаридан жа-садни олиб чиқиб, ўзбеклар мурувват кўрсатишиб қўмиб юборгани каби фожа-и-ли ҳодисани кўрган-билганлар бу борада маҳалла деган иборанинг маъносини нақ-дар теранлигини чуқур идрок этишди...

Буюк Истиқлолнинг туфайли маҳалла деган тушунча, унинг аҳамияти, ҳаётини ма-вқеи тўғрисида юртбошимиз бир неча бор чиқишларида алоҳида йўл-йўриқлар кўрс-атиб берганлари маълум. Маҳалла оқсоқол-лари, фаолларининг обрў-эътиборларини кўтариш, бу борада етакчиларни очик сайловлар — танлаш-сайлаш тартиби би-лан иш қилиш, шу билан, жамиятимизнинг негизи, таркибий қўсми, ҳатто ҳаётини за-минини бўлмиш маҳалла фаолиятини ҳалол усулларда жонлантириб юбориш учун та-лаб тадбирлар амалга оширилди ва оши-рилмоқда. Маҳалла раҳбарларининг мо-ддий таъминоти аниқ белгилан берилди. Уларнинг ҳуқуқлари таъминланди. Махсус жамғармалар тузилди, ундаги маблағни са-рфлаш ҳам маҳалла раҳбарлари ихтиёри-га ўтди. Шундай қилиб фуқароларнинг ўзи-ни ўзи бошқариш тартиблари аста ҳаётга жорий этилмоқда... Бундай тартибларни жорий этишда кўпқаватли уйларда яшов-чиларнинг ҳам жалб этилгани — маҳалла ҳаётида янгилик бўлди. Энди улар ҳам ён-верларидан билан зора алоқа қилиш-ни ўргансалар, ўзаро тотувлик тушунчаси улар қалбига ҳам, онига сингдирилса, бу

ОТАНГ МАҲАЛЛА, ОНАНГ МАҲАЛЛА ДЕГАНЛАР

рафакшлик сингари нуқсонларга барҳам бериш — ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Агар бунга қаттиқ зарба берилмаса, яна илгариги маънавияти, маданияти, савияси паст кимсалар оқсоқоллик ва фаолликка ўтириб, одамлар ҳақиқа хийнатдан бошқа-ни ўйламай юравериб қўришиб қолади-лар, бу эски тос, эски ҳаммомга дуч қилиб қўяди. Маҳалла оқсоқоли — аввало иймон-этиқодда мустаҳкам, нияти холис, таъма-ғирликдан озод, эл-юрти дардини билади-ган, ўз манфаатини эл манфаати билан ба-робар кўрадиган шахслар орасидан тан-лаб олиниши маъқул. Бу жуда муҳим, ма-ҳалла аҳолиси тақдирда ҳал қилувчи аҳа-миятга эгадир. Зеро Президентимиз таъкидлаганларидек, «...Қариндош-уруғчи-лик, худудий ёки этник принциплар асо-сида давлат тузилмаларида ёки бошқа ту-зилмаларда тор гуруҳчилик манфаатлари билан иш кўрадиган, айнан шу манфаат-ларни биринчи ўринга қўядиган уюшмалар (кўпгина норасмий уюшмалар) умумий иш-га, умумдавлат, умумхалқ манфаатлари-га зарар келтирган ҳолда шаклланиб, ўз мақ-садларига эришиш учун аъзоларини ма-вжуд давлат, ҳокимият ва бошқа поғона-ларда юқори кўтаришга ҳаракат қилар экан, бу ҳол хавфли бўлиб қолади. Ана шунда жамиятнинг барқарорлиги ва хавфсизли-гига реал таҳдид солувчи маҳаллийчилик ва уруқ-аймоқчилик ҳақида гапиришга тў-ри келади».

Бинобарин, бугун бизнинг маҳаллала-римиз ҳақида мулоҳаза юритишимиздан мақсад — жамиятимиз юраги, аҳиллик кў-ғони бўлган ўзини ўзи бошқариш органла-рининг ижтимоий ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти нақадар салмоқли эканлигини яна бир бор таъкидлашдир.

• **Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар бошланганли-ги муносабати билан шаҳримиз маҳал-лаларида амалга оширилаётган ибрат-ли ишлар ҳақидаги туркум мақолалар-ни газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз.**

«Наврўз» тантана-лар саройида Ўзбе-кистон VII миллий чемпионатининг го-либи — «Пахтакор» жамоасини қутлаш маросими бўлиб ўт-ди. Шу кунни жамоа-ни табриклаш тад-бирига футболчимиз фхрийлари, мураб-бийлар, жамоа ўйинчилари ва улар-нинг оила аъзолари, клуб ҳомийлари таширф бўйришди.



Албатта, жамоамиз ик-кинчи бор чемпионликни кўлга киритиш давларини ишқибозлар олти йил да-вомида озиқиб қотишди. Ва «Пахтакор» бу йилги мавсумда ўзининг энг ях-ши жиҳатларини намойиш

фаолияти учун тегшли ша-рт-шароитлар яратилди. Шу-ни айтиш кераки, ҳамшаҳар-ларимиз «Пахтакор»ни жуда эъзозлашди. Унинг ҳар бир ғалабасидан жуда руҳлани-лади. Бу йилги чемпионат йигитларимиз учун осон кеч-

МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНИ — «ПАХТАКОР» ҚУТЛАНДИ

қилди. Хусусан, энг кўп тўп киритган жамоа ҳам, че-мпонатнинг деярли барча совринларини кўлга кирит-ган команда ҳам «Пахта-кор» бўлди. М.Қосимов ва И.Шкиринларнинг 22 тўп билан чемпионатнинг энг сермахсул ҳужумчилари бў-лишгани ишқибозларни бе-ноҳия хурсанд қилди...

Анъанага кўра дастлаб пахтакорчиларни шаҳри-миздаги энг намунали «Ором» болалар богчаси тарбияланувчилари табрик-лашди. Сўнг Тошкент ша-ҳар ҳокими, «Пахтакор» жа-моасининг президенти Ко-зим Тўлағанов кутлуг зафар билан чарм тўп усталари-ни қизгин табриклади.

— Республикаси Прези-денти Ислам Каримовнинг Ўзбекистонда футболни ри-вожлантириш тўғрисидаги Фармонлари ва шу тўғри-даги Вазирлар Маҳкамаси-нинг қарорларидан кейин юртимизда бу соҳада се-зиларли ўзгаришлар бўлди, кенг қўламдаги ишлар амалга оширила бошлан-ди, — деди жумладан К.Тў-лағанов. — Чунотини, ша-ҳримизнинг ҳар битта тум-анида футбол жамоалари ташкил этилди. Уларнинг мади. «Пахтакор» ўзининг улуг номини оқлаш учун анча тер тўкишига тўғри келди. Матонатли футболчилари-мизни ғалабалари билан чин қалбимдан табриклайман. Жамоадан ўрдамларини аямган ҳомийларга ҳам та-шақкур изҳор қиламан.

Севимли «Пахтакор» жа-моасини шунингдек, Ўзбеки-стон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси Баҳодир Махситов, «Пахтакор»нинг барча ўйинчилари канда қи-ламай томоша қилиб келаётган таниқли санъаткор Набижон Собиржонов, Ўзбекистон миллий терма жамоаси ва «Пахтакор»нинг бош мураб-бийси Убераж Вага да Сильвалар ҳам чин кўнгилдан қутлашди. Шоира Зулфия Мўминова «Пахтакор» жамоа-сига бағишланган янги шеърини ўқиб берди.

Курраи заманимизни вело-сипедда айланиб чиқишга аҳд қилган жасур ҳамюрти-миз Мурод Қосимовнинг Сау-дия Арабистонидан йўллаган табрик телефонграммаси, Москвада тўп сураётган Ан-дрий Пятницкий ва Валерий Кечинов каби собиқ пахта-корчиларнинг шошилиноч-малари ҳам пахтакорчилар-

Сўнг Тошкент шаҳар ҳо-кимни К.Тўлағанов, Ўзбеки-стон Республикаси футбол федерациясининг прези-денти З.Алматов, Ўзбеки-стон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси Б.Мах-ситов, республика футбол федерациясининг бош ко-мити З.Қурбоновлар жамоа ўйинчилари А.Абдураимов, М.Алиев, А.Ақопянц, Б.Ашурматов, П.Бугало, Б.Қамбаралиев, М.Қоси-мов, Н.Нурматов, О.Пирма-тов, Д.Назаров, Ё.Назаров, А.Рошчин, А.Стрельцов, А.Хвосунов, С.Ходиев, Н.Ширшов, И.Шкирин, жа-моа бошлиғи А.Толибхо-нов, бош мураббий У.Вага-да Сильва, катта мураббий А.Убадуллаев, мураб-бийлар Т.Шоймардонов ва З.Расуловларга қарсақлар остида республика футбол федерациясининг чемпи-онли олтин нишонларини топширишди.

Жамоага Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳам ўз совғаларини тақдим этишди. Айниқса, «Совпла-ст» кўшма корхонаси ди-ректори А.Мелкумов янги ғалабаларга руҳлантириш мақсадида рамзий маъно-да футбол бўйича жаҳон ку-богининг нухасини топ-ширган лаҳзалар ҳаяжонга бой бўлди. «Ялла», «Сиде-рис» гуруҳлари, Ф.Бойтоев, Л.Москалёваларнинг чи-қишлари тадбирга ўзгача фойд қиритди.

Уйлаимизки, «Пахта-кор»чилар Осиё ўйинлари ва Осиё Кубок эгалари кубои-да ҳам ўзларининг энг яхши жиҳатларини кўрсатишди.

Дилмурод ИСМОИЛ.
СУРАТЛАРДА: «Наврўз» са-ройида пахтакорчиларни қу-лаш маросимидан лавҳалар.

Рустам Шарипов олган суратлар.

БУГУНГИ КУН НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фар-монларига кўра Солиҳ Иноғомов бошқа ишга ўт-ганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республи-касининг Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги Фав-қуллода ва Мухтор элчиси вазифасидан озод қи-линди ва Ўзбекистон Республикасининг Мисрдаги Фавқуллода ва Мухтор элчиси этиб тайинланди. Солиҳ Иноғомовга Ўзбекистон Республикасининг Фавқуллода ва Мухтор элчиси дипломатик марта-баси берилди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳма-си «1999-2000 йилларда пахта навларини янгилаш ва жойлаштириш дастури тўғрисида» қарор қабул қилди.

• Илгари хабар қилинганидек, 24 декабрь куни биринчи чакирёқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси ўз ишини бошла-ш муносабати билан сессия ишини таъминлаш учун депутатлар ишчи гуруҳи тузилган эди. Ана шу ишчи гуруҳининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Ун-да ишни самарали ташкил этиш мақсадида турли йўналишлар бўйича иш олиб борадиган учта кичик гуруҳ тузилди.

• Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган республи-камизда курилиш масалаларига бағишланган кен-гашда мамлакат раҳбарияти ўртага қўйган ва Ўзбе-кистон курилиш ташкилотларининг ишини яхшилаш-га қаратилган муаммолар кўриб чиқилди.

• **Кеча** Оренбург губерниясининг делегацияси Ўзбекистонга келди. Ушбу таширфдан кўзда ту-тилган мақсад — фаолиятнинг турли тармоқлари-да Ўзбекистон билан тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйишдир.

• **Бугун** пойтахт ҳокимлигида Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлағановнинг Оренбург губерна-тори А. Алагин билан учрашуви бўлиб ўтди.

• Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқарма-си Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келахак сари» китобини ўрганиш ва уни мактаб-ларда ўқитиш бўйича семинар ўтказди.

• Тошкентдаги 306-ва 309-лицейлар, шунингдек, инглиз тилини ўқитишга ихтисослаштирилган пойта-хтдаги 249-мактабнинг йигирма нафар ўқувчиси ўз муаллимлари раҳбарлигида АҚШга уч хафталик са-фар билан жўнаб кетдилар.

• Қорақалпоғистон ўқитувчилар малакасини оши-риш ва тайёрлаш институтида Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келахак сари» ки-тобига бағишланган илмий-амалий конференция бў-либ ўтди.

• Фаргона тўқимачилик комбинати профилакти-корис негизида вилот урология маркази фаолият кўрсата бошлади.

• Андижонда юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш масалаларига бағишлан-ган илмий-амалий конференция ўтказилди.

Ж А Х О Н Д А

• Туркменистонда Ўзбекистон киноси кунлари катта муваффақият билан ўтди.

• Москвада рекламаларнинг саккизинчи халқаро фестивали бўлиб ўтди. Унда Тошкент бизнес-мар-кази ҳам иштирок этди.

• Иорданиянинг миллий кенгаши сўнгги шахзода Ҳасан Бин Талолнинг ваколатини узайтиришга қар-ор қилди. У Америка клиникаларининг бирини да-воланаётган давлат раҳбари Қирол Ҳусайнинг ва-зифасини бажариб турибди. Кенгаш мажлиси қи-ролнинг даволаш тўрт ойдан кўпроқ давом этаётган-лигини ҳисобга олиб ўтказилди. Зеро, Иордания Конституциясига биноан қирол ушбу муддатдан кўп-роқ тахтда бўлмаслиги мумкин эмас.

• Германия иқтисодиёт вазирлиги қошида Став-рополь ўлкасининг ахборот-мувофиқлаштирувчи бизнес-марказини ташкил этиш гоёсини немис сар-моядорлари делегациясининг раҳбари Кристиан Линденану илгари сурди.

• Белоруссия муҳолифати референдумда мам-лакатининг янги Конституцияси қабул қилинганлиги-нинг икки йиллиги муносабати билан норозилик намоийшини ўтказдилар.

• Европа Иттифоқи Британия мол гўштини со-тишга қарши қўлланалаётган чорани бекор қилди.

• Европа комиссиясининг раиси Курд ишчи пар-тиясининг етакчиси Абдулла Адхаланин бермаёт-гани учун Италияга нисбатан ушбу мамлакат товар-ларини бойкот қилиш билан Туркия Европа Итти-фоқи билан тузилган битимни бузаётганлиги, бу нарсга унга нисбатан жавоб чоралари кўришга олиб келиши ҳусусида Туркияни огоҳлантирди.

• АҚШ, Жанубий Корея ва Япония биринчи бор гиванд моддаларини сотиш билан шугулланувчи халқаро тармоқни аниқлаш бўйича биргаликдаги операцияни ўтказдилар.

• Буюк Британиянинг олий суд маҳкамаси бўл-ган лордлар палатаси Пиночет «мустақил иммуни-тет»га эга эмас деган қарорга келди. Ана шу қарор боисидан Испаниянинг суд органлари ҳаракат қи-лганидек Пиночетни Испанияга бериш имкониятла-ри очилди.

• Россия Давлат Думасининг отиб ўлдирилган депутат Г.Старовойтовнинг ҳозирги пайтда ка-салхонада ётган ёрдамчиси Р.Линьков ҳужум қи-лганлар чиндан ҳам Г.Старовойтовани йўлакда ку-тиб турганликлари ва улар эркак ҳамда аёл экан-лиги ҳусусида кўрсатма бериб, бунни тасдиқлади.

• Украинанинг айрим минтакаларида ҳозирги ҳо-кимиятни ўзгартаришни талаб қилувчи митинглар бўлиб ўтди.

• Москва ва Тбилиси Россия ҳарбий базалари-нинг Грузияда бўлиши билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар.

• Туркия парламенти қарийб 15 йилдан бери ку-рдларнинг мухториятини ташкил этиш учун кураш олиб бораётган Курд ишчи партиясининг мамла-катнинг жанубий-шарқий олти вилоятида фаву-қуллода ҳолат муддатини яна тўрт ойга узайтирди.

• Буюк Британия Бош вазири Т.Блэрнинг Бел-фастга бошлаган таширфидан кўзда тутилган асо-сий мақсад Ольстердаги вазиятни барқарорлашти-риш муаммоларига қаратилган.

• Хитой ҳукумати Пекин кўчаларида машиналар-га ҳалақат бераётган велосипедларнинг ҳаракати-ни тақийлайдиган фармон чикарди.

• Белоруссия маъмурлари Россия жамоатчилик телевидениесининг Минскдаги бюроси директори Павел Шереметин эркин матбуот мукофотини олиш учун АҚШга боришига рухсат бермади. Белоруссия ички ишлар вазирлиги Павел Шеремет 1999 йил-нинг 29 январига қадар шартли равишда ҳукм этил-ганлиги боисидан унинг бошқа мамлакатга бориши тақийланганлигини билдирди.

• Пекин 2008 йилги ёзги Олимпиада ўйинларини ўтказиш ҳуқуқини кўлга киритишга қарор қилди.

